



05.01.2022 даги

"Ширин кулча" маъсулияти чекланган жамият ва Пешку туман МТБ ўртасида 18562500,00 сўм умумий
суммага тузилган 1 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 251
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860062407091100251030

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
				Жами
	4252300			
Январь	18 562 500,00			18 562 500,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	18 562 500,00			18 562 500,00

Жами 18562500,00 сўм

Ўн саккиз миллион беш юз олтмиш икки минг беш юз сўм 00
тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 5568750,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
***2022 й _Январь_ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада
такдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойнага _____% жорий ойнанинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раёбари



М. Абдуллаева
(имзо) Абдуллаева Мухаббат Гайбуллаевна
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Ф.Т.А.
(имзо) Курбонов Фаррух Фахриддинович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

Ф.Т.А.
(имзо)

(имзо)

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Янгибозор кургани

«05» «январ» 2022 йил

«Ширин кулча» масъулияти чекланган жамият кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбар Х.Хамроев номидан, бир томондан ва Пешку туман Мақтабгача Таълим булими, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи мудираси М.Абдуллаева номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	*Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Қолибли нон (600гр) (транспорт харажати билан)	Дона	12375	1500	18562500
	Жами	Ххх	ххх	Ххх	18562500

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «30 «январ» 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 18562500 (ун саккиз миллион беш юз олтимиш икки минг беш юз сумм) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун 2011 йил 21 августдаги ВМнинг 241-сонли қарорига олдиндан тўлов миқдори 5568750 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йил январ ойи давомида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний 12993750 сумм тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022йил "31" январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 Майдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда неустойка тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 50 %ошмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20% миқдоридида пеня тўлайди:
- 5.4.Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 20% миқдоридида жарима тўлайди:
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома Газначилиқдан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ҳамда **2022 йил «31»декабргача амалда бўлади.**
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда
 - Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги 3237-сонли Товарлар(ишлар,хизматлар)нинг давлат ва корпаратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2014 йил 1 январда Уз Рес “Бюджет кодекси”нинг 122 моддаси ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидалари 2016 йил 22 декабрьда 2850-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-банди ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли қонунига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначилиқда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8. Форс мажор

- 8.1** Томонларга боглик булмаган ҳолатлар “Енгин,сув тошқини шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда **Уз.Рес.Президентининг фармонлари ва ВМнинг қарорлари”** агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.
- 8.2** Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарглма узатиш мажбурийдир

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

«Ширин кулча» МЧЖ

(ижрочининг номи)

манзили Пешку туман Гулистон кучаси

тел\факс 35-31-726

х\р 20218000800421150001

банк номи_АТ Агро банк

МФО 00098 СТИР 200881624

ОКОНХ 18113

Пешкў туман Мактабгача таълим булими

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили Пешку туман Амир темур кучаси

тел\факс 35-31-805

ш\хв 100022860062407091100251030

бюджетдан маблағ олувчининг

СТИРи 305158297

ОКОНХ

Ҳазначилик бўлим номи: Пешку туман

буйича Ҳазначилик булинмаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

МФО 00014

Банк номи: Тошкент.ш. Марказий банк

Ҳазначилик булими СТИРи 201122919

Мудира М.Абдуллаева

Раҳбар Х. Ҳамроев
(Ф.И.Ш.)



(имзо)



(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Пешку туман МТБ мудир

(имзо) М.Абдуллаева.)

(имзо)

Пешку туман МТБ фаолияти учун олинадиган нон нархнини аниқлаш буйича танлов комиссиясининг
йиғилиш
Б А Ё Н И

2022 йил 05 январ

Пешку тумани

Таркиб	Лавозими	Ф.И.Ш
Раиси:	Мудир	М.Абдуллаева
Комиссия аъзолари	Бош ҳисобчи	Ф.Курбонов
	Бош иқтисодчи	Т.Жураев
	Қасаба уюшмаси	Д.Туксанов
	Ҳисобчи	Ф.Ибрагимов

КУН ТАРТИБИ:

Эркин савдо орқали (Пешку туман МТБ фаолияти учун олинадиган қолибли нон нархнини аниқлаш танлови.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қодалари”га асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли қоунига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробардан 6000 баробар суммагача ишлар (хизматлар), ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 баробардан 6000 баробаргача бўлган суммага товарлар хариди амалга оширилганда. Давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва танлов ҳужжатларини жойлаштириш орқали чекланмаган доирадаги шахсларга маълум қилинади.

Шунга асосан, танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат тақлифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақаси таққослаб қўрилади:

сон	Улчов бирлиги	Бир бирлик нархи	Товар ва хизмат	Етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар тақлифлари		
			Номи	«Ширин кулча» МЧЖ	"Агро инвест"МЧЖ	Нурафшон соф савдо мчж
12375	ДОНА	1600	Қолибли нон	1500	1600	1550

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Юқорида танлов савдосига тақдим этилган пудратчиларнинг тижорат тақлифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақасига асосан «Ширин кулча» МЧЖ таъминотчи савдо қолиби ҳисоблансин.

2. Танлов яқунлари буйича ушбу таъминотчи билан суммаси суммаси 18562500 (ун саккиз миллион беш юз олтмиш икки минг беш юз сумм) га шартнома тузиш ташкилот бош ҳисобчиси Ф.Курбонов томонидан музоқорага киришилсин.

3.Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

ИМЗОЛАР:

Раиси:

М.Абдуллаева

Ф.Курбонов

Комиссия аъзолари:

Т.Жураев

Д.Туксанов

Ф.Ибрагимов

М. Абдуллаева
(имзо)
Ф. Курбонов
Т. Жураев
Д. Туксанов
Ф. Ибрагимов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaning turi – shartnoma
2. Loyihaning nomi – (shirin kulcha MCHJ) va Peshku tuman maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida oldi-sotdi (oziq-ovqat)mahsulotlari yetkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Peshku tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 26.01.2022 yil ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



M.Rahmonov

2022 yil « 27 » yanvar